

ТАЪЛИМНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ ЖАРАЁНИДА АХЛОҚ ФАЛСАФАСИ ФАНИНИ КРЕДИТ-МОДУЛ ТИЗИМИДА ЎҚИТИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

Азамат Абдурахимович Джуманқулов

Ўзбекистон Миллий Университети, Педагогика ва умумий психология
кафедраси докторант
azamat.jumanqulov@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Мамлакатимизда олий таълим тизимини замон талаблари ва илғор хорижий тажрибалар асосида ривожлантириш, олий таълим дастурларини халқаро стандартлар талабларига мослаштириш, ривожланган мамлакатлар билан таълим соҳасида ҳамкорликни янада кэнгайтириш ҳамда мустаҳкамлаш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида олий таълим соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш, ҳудудларда давлат ва нодавлат олий таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш ҳамда мазкур соҳада соғлом рақобат муҳитини яратиш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Ушбу мақолада олий таълим савиясининг замон талабларига мос келиши муаммосини ҳал қилиш, таълимни модернизациялаш орқали ўқитишининг инновацион йўналишларини ривожлантириш, талabalарнинг касбий ва шахсий юксалиши учун долзарб ахборот олишга бўлган эҳтиёжларини қондириш шарт-шароитларига эътибор қаратилди.

Калитсўзлар: таълимни модернизациялаш, олий таълим, талabalар, ахлоқий тарбия, кредит-модуль тизими, таълим сифати.

ABSTRACT

The development of the higher education system in our country on the basis of modern requirements and advanced foreign experience, adaptation of higher education programs to the requirements of international standards, further expansion and strengthening of cooperation in the field of education with developed countries is becoming of urgent importance. In particular, the concept of development of the system of higher education of the Republic of Uzbekistan up to 2030 defined a number of tasks for the development of Public-Private Partnership in the field of Higher Education, Organization

of activities of state and non-state higher education institutions in the regions, creation of a healthy competitive environment in this area. In this article, attention was paid to the conditions for solving the problem of compliance of higher education with modern requirements, development of innovative directions of education through modernization of Education, satisfaction of urgent information needs of students for professional and personal growth.

Keywords: modernization of education, higher education, students, moral education, credit-module system, quality of education.

КИРИШ

Дунё миқёсида таълимни модернизациялашда янги парадигмал тамойиллар ва инновацион технологиялар асосида ривожлантириш бугунги кундаги устувор йўналиш сифатида долбзарб аҳамият касб этмоқда. Жумладан, олий таълим муассасаларида ахлоқ фалсафаси фанини кредит-модул тизимида ўқитиш методикасини такомиллаштириш ўзига хос мураккаб жараён бўлиб, у нафақат давлат таълим стандартлари талабларига, балки талабалар ва профессор-ўқитувчиларнинг талаб ва таклифларидан келиб чиқсан ҳолда амалга оширилади. Шу боисдан ҳам олий таълим замонавий жамият ҳаётида ҳал қилувчи рол ўйнайди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Замонавий тадқиқотчилар «таълимни модернизациялаш» иборасини турлича талқин қилишади. Масалан, Э.Д.Днепров таълимни модернизациялаш деганда «Мамлакатдаги таълимнинг энг яхши анъаналарини сақлаб қолган ҳолда замонавий ҳаётнинг талабларига мос равища таълим фаолиятининг барча соҳаларида таълим тизимининг барча бўғинларини ялпи ҳар томонлама янгилаш»ни тушунади. В.С.Авенесов таълимни модернизациялашга бир мунча лўнда таъриф берган ҳолда бу «таълим соҳасини шахс, фуқаро, жамият ва давлатнинг замонавий талабларига мослашдир» деб ҳисоблайди.

Таълимни модернизациялашнинг ўзига хос муҳимлиги шундан иборатки, таълим институти бошқа ижтимоий институтларга бевосита таъсир ўтказган ҳолда улар билан межинституционал ўзаро ҳаракатга киришмоқда. Устига устак, таълим институтининг ривожланиш хусусияти имкон қадар инновацион бўлиши лозим, чунки у инсоний фаолиятнинг турли соҳаларига билимларни етказиб беришнинг асосий воситасилича қолмоқда.

Мамлакатдаги олий мактабни модернизациялашнинг муҳим қисми бўлган ялпи компьютерлаштириш, интернет тармоғининг жаҳондаги ҳар қандай, хатто энг узоқ нуқталарига ҳам кириб бориши ахборотлашган жамиятни ривожлантириш талабларига, талабаларнинг эҳтиёжларига, шунингдек олий таълим соҳасидаги глобаллашувнинг замонавий даъватларига мос келувчи ўқитишнинг масофавий технологиялари вужудга келиши учун асос бўлган. Шу боисдан ҳам «Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида IT-технологияларидан ва олий таълим муассасаларининг ички инновацион салоҳиятидан самарали фойдаланиш орқали таълим тизимининг мавжуд рақобатбардош жиҳатларини янада такомиллаштириш мақсадида инсон капиталини ривожлантириш, тармоқ (network university), ижодий (creative university) ва тадбиркорлик ёндашуви (entrepreneurial university) механизмларидан фойдаланган ҳолда рақамли таълим ресурсларини шакллантириш, ОТМларнинг бошқарув механизмларини ривожлантириш ва такомиллаштириш истиқболларини ишлаб чиқиша ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқдир».

Мамлакатимиз олий таълим тизими ҳар томоналама ривожланган битиравчини тайёрлашга имкон берувчи фундаментал илмий базага эга, таълимга кириб келган ахборотлашув даври ва глобаллашув бу олий мактабни модернизациялашни, олий мактаб фаолиятини ташкил этишга янгича ёндашувларни қўллашни тақозо этмоқда. Олий таълим савиясининг замон талабларига мос келиши муаммосини ҳал қилишнинг муҳимлиги мазкур институтнинг шахсни, ижтимоий гуруҳларнинг шаклланишига, замонавий глобаллашаётган оламда инсон мослашувининг муваффақиятлилигига кучли таъсир кўрсатишидан келиб чиқади. Бу олий ўқув юртларини модернизациялаш, ўз ичига билим олишнинг мослашувчанлигини, қўламлилигини, қулайлилигини, талабаларнинг касбий ва шахсий юксалиши учун долзарб ахборот олишга бўлган талабаларнинг эҳтиёжларини қондиришга қодир бўлган замонавий ахборот технологияларга асосланувчи ўқувчилар учун осонлигини қамраб олган ўқитишнинг инновацион йўналишларини ривожлантириш заруратини келтириб чиқаради, бу эса охир оқибатда ўзбек олий мактабининг жаҳон таълим маконига кириб боришининг объектив зарур шарти ҳамдир.

Республикамизда ёш авлоднинг билимини, илмий-ижодий ҳамда интелектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, таълим даргоҳлари жаҳон

таълим стандартларига мос келадиган техника-технологиялар билан жиҳозланган, ўқитишининг илғор усул ва шакллари кенг қўлланилмоқда. Олийгоҳларда бўлажак мутахассисларнинг юқори билим олишлари ва келажакда ушбу билим ва кўникмаларни қўллаш, илмий ижодий ишларни амалга ошириши учун шарт-шароитлар яратилмоқда. Назария билан амалиётни уйғулаштириш мақсадида кафедраларнинг амалиётда филиаллари очилган. Ўқув жараёнида талаба ўз мутахассислиги бўйича ижодини янада такомиллаштиради. Ўз навбатида, талабаларнинг илмий ҳамда ижодий фикр ва дунёқарашининг ривожланиши учун профессор – ўқитувчилардан юксак маҳорат талаб қиласди. Талаба ҳамда ўқитувчилар ўртасидаги боғланиш ўқув жараёнида бир қатор таълим технологиялари орқали амалга оширилади.

Олий ўқув юртларида таълим технологияларининг қўлланилиши, нафақат талабанинг билим олишига, нафақат унинг илмий, ижодий ва интелектуал салоҳиятининг ривожланишига ҳам ўзининг ижобий таъсирини кўрсатади. Таълимнинг илғор технологиялари талабаларда касбий маҳоратга ҳамда мутахассисликка доир фанларга бўлган қизиқиши орттиради. Масалан, «Веер» технологиясини оладиган бўлсак, бунда талабалар ўқув машғулотларида ўзларининг фикрлаш қобилиятларини оширадилар. Ушбу технология орқали талабаларда танқидий, таҳлилий ва мантиқий фикрлаш савияси ривожланади. Таълимнинг интерфаол технологияларида талабалар қўйилган муаммонинг назарий ва илмий жиҳатларини чуқур ўрганадилар. Шулардан бири «ФСМУ» технологиясидир. Ушбу технологияда талабалар қўйилган муаммо бўйича фикрини баён этиб, содир бўлган ҳодисанинг сабабларини ижодий ўрганадилар ҳамда амалиёт мисолларида умумий холосага келишадилар.

Таълим технологиясининг энг самарали усулларидан яна бири – бу «Бумеранг» технологиясидир. Талаба бирор бир соҳа мутахассислигини эгаллашидан олдин, яъни ўқув машғулотлари жараёнида шу касб соҳиби сифатида фикр юритади. Хусусан, талабалар иқтисодчи, бухгалтер ёки тадбиркор ролида бўлиб, уларнинг вазифаларини мустақил равишда бажарадилар. Натижада улар касбий маҳоратини, жамоа билан ишлаш қобилиятини, муомалаликни, хушфеъллик ва ишга ижодий ёндашиш хислатларини ривожлантирадилар. Олий ўқув даргоҳларида юқорида айтганимиздек кўринишида ўқув жараёнларининг олиб борилиши талабаларда назарий ҳамда амалий билимларни уйғун ҳолда шакллантиришга ундейди. Олий таълимнинг вазифаси ҳам мана шундай ўқув машғулотларнинг ташкил этилишини

таъминлаш, талабаларда амалий ҳамда назарий билимларини уйғунлаштириш асосида мамлакатимизга етук ва баркамол мутахассис кадрларни тайёрлашдан иборат. Ўқув жараёни маъруза, амалий ва семинар ҳамда лаборатория машғулотлари шаклларида ўтказилади. Маъруза машғулотлари бевосита маърузачи ўқитувчилар томонидан олиб борилади. Ушбу машғулотда ўқув фанининг муаммолари, уларнинг назарий жиҳатлари чуқур ўрганилади. Олий ўқув юртларида маърузалар машғулотлари билан бир вақтда амалий ҳамда семинар машғулотларнинг олиб борилиши талабанинг келажакдаги фаолиятига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди. Илм даргоҳларида талаба хаётини фикрлашга, мантиқий мушоҳада қилишга ўрганади.

Ахлоқий тарбия фаолиятнинг муҳим шаклларидан биридир. Муайян жамият ёки гурухга одамларни унинг ахлоқий хулқ-атвор қоидаларига онгли равишда риоя қилишлари ва жамият ва бошқалар олдидағи тегишли мажбуриятларини бажаришлари, тизимли равишда, уюшган ва режали равишда тизимли ахлоқий таъсир кўрсатишлари учун мўлжалланган. Муайян жамият ёки гурухнинг ахлоқий талабларининг кишиларнинг ички сифатларига айланиши муҳим шартлардан биридир. Аксарият мамлакатларда олий мактабда ахлоқий тарбия жараёни билан чекланади. Мамлакатимиздаги мактаб ахлоқий тарбияси умуман олганда сиёсий тарбия, мафқуравий тарбия, ахлоқий тарбия ва бошқаларни назарда тутадики, бу аслида ижтимоий онг тарбиясидир. Сиёсий таълим деганда талабаларда маълум сиёсий билим, тажриба ва эътиқодларни шакллантирувчи таълим тушунилади. Мафқуравий таълим –талабаларнинг маълум дунёқарashi ва хаётга бўлган қарашларини шакллантирадиган таълим, ахлоқий тарбия – уларнинг ахлоқий жиҳатдан янада юксалишига катта ёрдам берувчи тарбия шаклидир.

Нисбатан тўлиқ ахлоқ фалсафаси тарбия жараёни, одатда, инсон онгини юксалтириш, ҳис-туйғуларни ривожлантириш, иродани амалга ошириш, эътиқодларни ўрнатиш ва хулқ-атвор одатларини ривожлантириш каби асосий жараёнларни ўз ичига олади. Ахлоқ фалсафасини аниқлашнинг усул ва воситалари, асосан, маънавиятли шахснинг ахлоқий характерини шакллантириш хусусиятларига ва унинг аниқ ҳолатига асосланади. Умуман олганда, бу жараёнда ижобий йўл-йўриқ сиёсати қабул қилинади, ахлоқий билим бериш ва ахлоқий хаёт тажрибасини умумлаштириш уйғунлашади.

Ахлоқ фалсафаси фани талабаларнинг шахсий, миллий ва ижтимоий ижтимоий, касбий хаётида муайян қоидаларига

мос келадиган хулқ-атвор одатларни ўрганишга алоҳида эътибор қаратади.

Таълимни қонунга мувофиқ бошқариш Америка таълим бошқарувининг кўзга кўринган хусусияти ҳисобланади. Бизнинг мамлакатимиздан фарқи шундаки, турли олий мактабларнинг “талабалари хулқ-атвори стандартлари” нафақат уларни хулқ-атворини муайян маънода тартибга солувчи маъмурий таълим воситаси, балки маълум хуқуқий таъсирга эга бўлади. Умуман олганда, талабаларнинг хулқ-атвор кодекси асосан қўйидаги жиҳатларни ўз ичига олади: биринчидан, давомат ва таътил тизими; иккинчидан, имтиҳон интизоми; учинчидан, гуруҳдаги интизомга қўйиладиган талаблар; тўртинчидан, кийиниш маданияти; бешинчи, талабаларнинг мобил телефонлари ва бошқалар; олтинчидан, жинсий хулқ-атворга қўйиладиган талаблар; еттинчидан, турли хил тақиқланган хатти-харакатлар, масалан, жанжал, чекиши, қурол олиб юриш, ўғирлик ва бошқалар. Хулқ-атвор кодексида талаба-ёшларнинг ушбу қоидаларни бузиши жиддий муаммо сифатида қабул қилинади.

Янги семестр бошида олий мактаб ота-оналар ва талабаларни “Талабалар хулқ-атвори кодекси”ни ўрганишни ташкил этиши ва талабалар ва ота-оналар билан “Талабалар хулқ-атвори кодекси”ни қабул қилиши учун шартнома имзолаши керак. Масалан, “Талабаларнинг одоб-ахлоқ қоидалари”да уларнинг ўқув масканига пичоқ ёки қурол олиб киришлари тақиқлангани белгилаб қўйилган. Агар аниқланган бўлса, сиз улардан фойдаланасизми ёки йўқми, низомга мувофиқ жазоланаисиз. Бу шуни кўрсатадики, Америка олий ўқув юртларида талабаларнинг таълим олиши ва бошқаруви қатъий хуқуқий талаблар шакллантирилган экан.

Мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятига тобора чуқур интеграциялашиб бораётгани, халқимизнинг жаҳондаги ривожланган миллатлар қаторидан жой олишга интилиши моддий – иқтисодий омиллар, юксак технологиялар билан бир қаторда, маънавий омилларни ривожлантиришни ҳам тақозо этади. Лекин ҳар икки гуруҳ омилларни ривожлантиришнинг ўзи инсон тафаккурининг ўсишига, ижодий яратувчилик салоҳиятининг кучайишига боғлиқ. Туб ислоҳотларнинг чуқурлашиши жараёнида ижтимоий онгдаги ўтмишдан қолган баъзи қолоқ тушунчалар, маъмурий буйруқбозлик иллатлари, боқимандалик кайфиятларининг секин барҳам топаётгани ёки баъзи ёшларга бузғунчи, ётғоялар таъсир кўрсатаётгани, мафкуравий иммунитет этишмаслиги тафаккур эркинлиги масаласининг долзарблигини оширмоқда.

ХУЛОСА

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иктисодий ислоҳотларни янада чукурлашириш, жамиятни демократлаширишда фаол иштирок этувчи, уни бошқарувчи, жараёнларни башорат қилувчилик вазифасини бажариши керак бўлган талаба ёшларни мустақилликка, мустақил қарорлар чиқаришга, мустақил баҳолаш салоҳиятига эга бўлган мутахасис кадрлар қилиб етиштиришга жамият тараққиётини таъминловчи муҳим омили сифатида баҳоланмоқда. Талаба-ёшлардаги фанга, билимга, мутахасислик сирларини билишга ҳамда илмий тадқиқотга бўлган рағбатнинг уларнинг бошқа ижтимоий фаолликлари билан уйғунликда амалга ошиши муҳим ҳисобланади. Чунки талабалик йилларида ёшларда нафақат унда талабалик шахси, балки талабалик шахси негизида зиёлилик, ташкилотчилик, тарбиячилик ва бошқа сифатлар ҳам шаклланади.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Фармони. <https://lex.uz/docs/4545884>
2. Днепров Э. Д. Обращение редактора-составителя // Модернизация российского образования: документы и материалы. – М.: ГУ ВШЭ, 2002 –332 с.
3. Аванесов В.С. Основные направления модернизации российского образования» [Электронный ресурс] // Материалы XII Международной научной конференции «Модернизация России: ключевые проблемы и решения» на XII Международной научной конференции «Модернизация России: ключевые проблемы и решения».
- Режим доступа: <http://www.gosbook.ru/node/53942> (дата обращения: 09.01.2014).
4. Тешабаев Т.З. Олий таълим тизимида инновацион фаолиятни ахборот технологиялари асосида бошқаришни такомиллашириш. Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент: 2019. –Б.38.
5. Анопченко, Т. Ю., Максимов, В. А., & Мошкин, И. В. (2011). Составление индивидуального электронного портфолио в соответствии с кредитно-модульной системой обучения.
6. Афанасьев, Д. В., & Грызлов, В. С. (2013). Компетентностный подход и кредитно-модульная система обучения. Высшее образование в России, (6), 11-18.

7. Жабборова, О. М. (2021). Ўқитишининг кредит-модуль тизимидаўкувфанларинитанлаштамойиллари. Academic research in educational sciences, 2(6).
8. Каточкив, В. М., & Сафонова, М. А. (2009). Внедрение кредитно-модульной и балльно-рейтинговой систем в образовательный процесс университета. Вестник Южно-Уральского государственного университета. Серия: Образование. Педагогические науки, (24 (157)), 37-42.
9. Авазбаев, А., Джураев, Ю., & Турсунходжаева, З. (2021). Texnologik ta'lim jarayonini kredit-modul tizimi asosida tashkil etish shart-sharoitlari. Общество и инновации, 2(4/S), 171-176.
10. Нодира Камилова, & Орифат Бекмуродова (2021). КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ АСОСИДА ТАЪЛИМ БЕРИШ АСОСИДА МУТАХАССИСЛАР ТАЙЁРЛАШ МАСАЛАЛАРИ. Scientificprogress, 1 (5), 553-557.